

510 - وَعَنْ خَالِدِ بْنِ عُمَرَ الْعَدَوِيِّ قَالَ: حَطَبْنَا عُتْبَةَ بْنَ عَزْوَانَ - كَوَانَ أَمِيرًا عَلَى الْبَصْرَةِ - فَحَمِدَ اللَّهُ تَعَالَى وَآتَى عَلَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: أَمَا بَعْدُ: فَإِنَّ الدُّنْيَا قَدْ آذَنْتَ بِصُرْمٍ، وَوَلَّتْ حَدَاءً، وَلَمْ يَبْقَ مِنْهَا إِلَّا صُبابَةٌ كَصُبابَةِ الْإِنَاءِ يَتَصَابُهَا صَاحِبُهَا، وَإِنَّكُمْ مُنْتَقِلُونَ مِنْهَا إِلَى دَارٍ لَا زَوَالَ لَهَا، فَانْتَقِلُوا بِخَيْرٍ مَا بِحَضْرَتِكُمْ؛ فَإِنَّهُ قَدْ ذُكِرَ لَنَا أَنَّ الْحَجَرَ يُلْقَى مِنْ شَفِيرِ جَهَنَّمَ فَيَهْوِي فِيهَا سَبْعِينَ عَامًا لَا يُدْرِكُ لَهَا قَعْرًا، وَاللَّهُ لَتَمْلَأَنَّ، أَفَعَجِبْتُمْ؟! وَلَقَدْ ذُكِرَ لَنَا أَنَّ مَا بَيْنَ مِصْرَاعَيْنِ مِنْ مِصْرَاعِ الْجَنَّةِ مَسِيرَةٌ أَرْبَعِينَ عَامًا، وَلَيَأْتِيَنَّ عَلَيْهَا يَوْمٌ وَهُوَ كَظِيظٍ مِنَ الزَّحَامِ، وَلَقَدْ رَأَيْتُنِي سَابِعَ سَبْعَةٍ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَا لَنَا طَعَامٌ إِلَّا وَرَقُ الشَّجَرِ، حَتَّى قَرِحَتْ أَشْدَاقُنَا، فَالْتَقَطْتُ بَرْدَةً فَشَقَقْتُهَا بَيْنِي وَبَيْنَ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ، فَاتَزَرْتُ بِنِصْفِهَا، وَاتَزَرَ سَعْدٌ بِنِصْفِهَا، فَمَا أَصْبَحَ الْيَوْمَ مِمَّا أَحَدٌ إِلَّا أَصْبَحَ أَمِيرًا عَلَى مِصْرٍ مِنَ الْأَمْصَارِ، وَإِنِّي أَعُوذُ بِاللَّهِ أَنْ أَكُونَ فِي نَفْسِي عَظِيمًا، وَعِنْدَ اللَّهِ صَغِيرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [م] .[2967]

وله: «آذَنْتَ» هُوَ بَمَدِّ الْأَلْفِ؛ أَي: أَعْلَمْتُ، وَقَوْلُهُ: «بِصُرْمٍ»: بِضَمِّ الصَّادِ؛ أَي: بِانْقِطَاعِهَا وَقَفَائِهَا، وَقَوْلُهُ: «وَوَلَّتْ حَدَاءً» هُوَ بِحَاءٍ مُهْمَلَةٍ مَفْتُوحَةٍ، ثُمَّ ذَالٍ مُعْجَمَةٍ مُشَدَّدَةٍ، ثُمَّ أَلْفٍ مَمْدُودَةٍ؛ أَي: سَرِيعَةً وَ«الصُّبَابَةُ» بِضَمِّ الصَّادِ الْمُهْمَلَةِ، وَهِيَ: الْبَقِيَّةُ الْيَسِيرَةُ، وَقَوْلُهُ: «يَتَصَابُهَا» هُوَ بِتَشْدِيدِ الْبَاءِ قَبْلَ الْهَاءِ؛ أَي: يَجْمَعُهَا، وَ(الكَظِيظُ): الْكَثِيرُ الْمُمْتَلِي، وَقَوْلُهُ: «قَرِحَتْ» هُوَ بَفَتْحِ الْقَافِ كَسْرَ الرَّاءِ، أَي: صَارَ فِيهَا قُرُوحٌ.

510. Холид ибн Умар ал-Адавий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Утба ибн Ғозван бизга хутба қилди. (У Басранинг амири эди). Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнгра шундай деди: «Аммо баъд. Дунё ўзининг ўткинчилигини билдириб, тезда ортига қайтди. Ундан сув ичилган идишда қолган сув каби қолдиқ қолди. Сизлар ундан заволга учрамайдиган ҳовлига кўчиб ўтасизлар. Шундай экан, ҳузурингиздаги яхши нарсалар билан кўчиб ўтинг. Чунки бизга жаҳаннамнинг лабидан тош ташланса, етмиш йил қулса ҳам унинг қаърига етиб бормаслиги зикр қилинди. Аллоҳга қасамки, у албатта тўлдирилади. Ажабланияпсизми? Бизга жаннат эшигидаги икки табақанинг ораси қирқ йиллик йўл экани ва у бир кун келиб, тикилинчдан тўлиб-тошиб кетиши зикр қилинди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлган етти кишининг бири эдим. Дарахт баргидан бошқа егулигимиз йўқ эди, ҳатто оғзимизнинг четлари яра бўлиб кетди. Бир чопон топиб олиб, Саъд ибн Молик билан бўлиб олдик. Унинг ярмини мен, ярмини Саъд изор қилиб олдик. Бугун эса ҳар биримиз бир юртнинг амирига айландик. Ўз наздимда улуғ, Аллоҳнинг ҳузуринда эса ҳақир бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг давомида қуйидаги жумла бор:

«Аста-секин йўқ бўлиб, охир-оқибат подшоҳликка айланиб кетмаган бирорта нубувват йўқ. Биздан кейин амирларни синаб, тажрибадан ўтказасизлар».

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

- Хутбани ҳамд ва сано ҳамда салавот айтиш билан бошлаш суннат.
- Қиёматнинг яқинлашиши ва дунёнинг заволи топиши.
- Исломга аввал кирган саҳобалар ва Расулуллоҳ с.а.в.нинг Ислом йўлидаги йўлиққан машаққатлари, бутун дунёга Исломни ёйиш йўлида оддий овқатлар, ҳатто дарахт баргини ҳам еб ҳаёт кечиришгани. Мана шу қийинчиликларга сабр қилишгани сабаб Аллоҳнинг амри билан ҳидоят имомлари даражасига кўтарилиб, Аллоҳ мўмин бандаларига ваъда қилган халифа-ўринбосарликни қўлга киритишди.
- Нафс тойилиши ва шайтон алдовига дучор бўлганда Аллоҳ таолога илтижо

ҚИЛИШ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI